

Тошкент оқшоми

2008 йил, 11 сентабр, пайшанба

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 179 (11.240) Баҳоси эркин нархда

ВАТАННИ ШАРАФЛАГАНЛАР ЭЛ-ЮРТ АРДОҒИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ 10 СЕНТЯБРЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ПОЙТАХТИ ПЕКИНДА БЎЛИБ ЎТГАН XXIX ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИДА ОЛТИН, КҮМУШ ВА БРОНЗА МЕДАЛЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТГАН СПОРТЧИЛАРИМИЗНИ, УЛАРНИНГ УСТОЗ ВА МУРАББИЙЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

— Биз бугун яқинда Пекин шаҳрида бўлиб ўтган XXIX Олимпиада ўйинларида қатнашган ва юксак ғалабаларга эришган спортчиларимизни кутлаш ва тақдирлаш учун тўпландик. — деди давлатимиз раҳбари. — Бутун жаҳон спорт ишқибозлари катори Ўзбекистонда ҳам миллионлаб мухлислар дунёдаги энг нуфузли мусобақа бўлган ана шу халқаро олимпиада беллашувларининг қандай кескин ва машаққатли курашлар остида ўтганини кузатиб турди.

Ҳеч шубҳасиз, айнан мана шундай шиддатли ва муросасиз курашларда юксак марраларни эгаллаш учун қатнашган спортчиларимиз албатта халқимизнинг, жамоатчилигимизнинг диққат-эътиборида бўлган, ҳар қайси спортчиларнинг мухлислари уларни қўллаб-қувватлаб, мадад тилаб тургани, ўйлашгани, ҳеч кимга сир эмас.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда бу ўйинларга бетараф одам бўлмади, бутун Ўзбекистон халқи сизлар эришган ютуқларни худдики ўз ғалабасидек қабул қилди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди. Шу нукта назардан баҳолаганда, мана шу Олимпиадада сизлар қўлга киритган натижалар бутун халқимизнинг, аввало, сизларга жону дили билан омад ва муваффақият тилаб турган ёшларимизнинг ғалабаси бўлди, десак, бу ҳам аниқ ҳақиқат бўлади, деди Президентимиз.

Пекиндаги мусобақаларда иккинчи бор Олимпиада чемпиони олтин медалини қўлга киритган Артур Таймазов, кумуш медаллар билан тақдирланган Абдулла Тангриев ва Сослан Тигиев, бронза медалларига сазовор бўлган Екатерина Хилько, Ришод Собиров ва Антон Фокин ана шундай ўта кескин ва шиддатли курашларда ғолиб чиқиб, ҳақиқатан ҳам қаҳрамонлик намунасини кўрсатгани халқимизга чексиз қувонч ва гурур бахш этганини бугун барчамиз хурсандчилик билан қайд этамиз.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мана шундай юксак марралар ва ютуқларга эришган Ўзбекистон спортчиларини, Олимпиадада қатнашган барча йигит-қизларимизни, шу ғалабаларни қўлга киритишга муносиб ҳисса қўшган, ёш спортчиларни тарбиялаб, уларга куч-қувват ва маҳорат бағишлаган устоз-мураббийларни, бутун команда аъзоларини яна ва яна бир бор табриклаш менга катта мамнуният ва ифтихор етказди.

Бу ғалабанинг асосий моҳияти ва аҳамияти шундаки, у Ўзбекистон номи ва нуфузини бутун дунёда янада юксалтириш, халқимизнинг куч-қудрати ва салоҳиятини намойён этишга хизмат қилади.

Айни пайтда бу улкан ютуқ бугун ҳаётга кираётган, машҳур спортчилар сафига киришни ўз олдида мақсад қилиб қўйиб, куч-ғайрати ва спорт маҳоратини

ошириб келаятган ёш, навқирон авлодимизга ўрнак ва ибрат бўлиши билан аниқсана шарафлидир.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, — деди Президентимиз, — Ўзбекистон спорт жамоатчилиги, спортга илҳомдод бўлган халқимиз Пекин Олимпиадаси якуни билан бир ҳақиқатни яхши англаб, ҳулоса чиқармоқда. Яъни, бутун жаҳон жамоатчилиги кузатиб турадиган бундай нуфузли мусобақаларда ғалабага эришиш, ўзгаларнинг ҳавасини тартадиган натижаларни қўлга киритиш энг аввало бизнинг барчамизга боғлиқдир.

Биринчи навбатда, спортчиларнинг ўзига, уларнинг азму-шижоат, ирода ва қатъият бобидан ҳеч кимдан кам бўлмадани, дунёдаги энг юксак спорт марраларини эгаллаш учун интилишига боғлиқ. Ва албатта, спорт устозларининг ўз мураббийлик малакаси ва маҳоратини оширишига боғлиқ. Ўзбекистонимизда бутун дунёга доғи таралган спорт устозлари мактабини яратилишига боғлиқ.

Бўлиб ўтган Олимпиадада спортчиларни тайёрлаш бўйича Хитой тажрибасини чуқур ўрганиш ва ўзлаштириш, керак бўлса, спорт соҳасида илгор илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланиш зарур.

Лекин олдимизда турган энг катта вазифа — мамлакатимизда спортни ҳар томонлама ривожлантириш учун давлат ва ижтимоий идораларнинг, бу масалага дахлдор бўлган барча ташкилотларнинг, кенг жамоатчиликнинг куч ва имкониятларини сафарбар этиш, аниқсана, спорт билан фаол шугулланаётган азиз фарзандларимиз сафини янада кенгайтириш лозим.

Энг муҳими, нафақат спорт соҳасига ажратилаётган маблағларни кўпайтириш, аниқ пайтда бу масалага эътиборимизни яна ва яна бир бор кучайтириш зарур.

Ҳаммамизга маълумки, биз Пекин Олимпиадаси якуни билан тақдирланган спортчилар ва мураббийларимиздан бундай нуфузли мусобақаларда ғалабага эришиш, ўзгаларнинг ҳавасини тартадиган натижаларни қўлга киритиш энг аввало бизнинг барчамизга боғлиқдир.

Биринчи навбатда, спортчиларнинг ўзига, уларнинг азму-шижоат, ирода ва қатъият бобидан ҳеч кимдан кам бўлмадани, дунёдаги энг юксак спорт марраларини эгаллаш учун интилишига боғлиқ. Ва албатта, спорт устозларининг ўз мураббийлик малакаси ва маҳоратини оширишига боғлиқ. Ўзбекистонимизда бутун дунёга доғи таралган спорт устозлари мактабини яратилишига боғлиқ.

Бўлиб ўтган Олимпиадада спортчиларни тайёрлаш бўйича Хитой тажрибасини чуқур ўрганиш ва ўзлаштириш, керак бўлса, спорт соҳасида илгор илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланиш зарур.

Лекин олдимизда турган энг катта вазифа — мамлакатимизда спортни ҳар томонлама ривожлантириш учун давлат ва ижтимоий идораларнинг, бу масалага дахлдор бўлган барча ташкилотларнинг, кенг жамоатчиликнинг куч ва имкониятларини сафарбар этиш, аниқсана, спорт билан фаол шугулланаётган азиз фарзандларимиз сафини янада кенгайтириш лозим.

Энг муҳими, нафақат спорт соҳасига ажратилаётган маблағларни кўпайтириш, аниқ пайтда бу масалага эътиборимизни яна ва яна бир бор кучайтириш зарур.

Ҳаммамизга маълумки, биз Пекин Олимпиадаси якуни билан тақдирланган спортчилар ва мураббийларимиздан бундай нуфузли мусобақаларда ғалабага эришиш, ўзгаларнинг ҳавасини тартадиган натижаларни қўлга киритиш энг аввало бизнинг барчамизга боғлиқдир.

Биринчи навбатда, спортчиларнинг ўзига, уларнинг азму-шижоат, ирода ва қатъият бобидан ҳеч кимдан кам бўлмадани, дунёдаги энг юксак спорт марраларини эгаллаш учун интилишига боғлиқ. Ва албатта, спорт устозларининг ўз мураббийлик малакаси ва маҳоратини оширишига боғлиқ. Ўзбекистонимизда бутун дунёга доғи таралган спорт устозлари мактабини яратилишига боғлиқ.

Бўлиб ўтган Олимпиадада спортчиларни тайёрлаш бўйича Хитой тажрибасини чуқур ўрганиш ва ўзлаштириш, керак бўлса, спорт соҳасида илгор илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланиш зарур.

Лекин олдимизда турган энг катта вазифа — мамлакатимизда спортни ҳар томонлама ривожлантириш учун давлат ва ижтимоий идораларнинг, бу масалага дахлдор бўлган барча ташкилотларнинг, кенг жамоатчиликнинг куч ва имкониятларини сафарбар этиш, аниқсана, спорт билан фаол шугулланаётган азиз фарзандларимиз сафини янада кенгайтириш лозим.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

ИҚТИСОДИЁТГА ТЎҒРИДАН ТЎҒРИ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛИБ, ЗАМОНАВИЙ ХОРИЖИЙ ДАСТҒОҲ ВА УСКУНАЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАНГАН ХОРИЖИЙ КОРХОНАЛАРДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ БИЛАН ЖАҲОН БОЗОРИДА ЎЗ ХАРИДОРНИ ТОПМОҚДА.

Хорижий инвестициялар — иқтисодиётга

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РИВОЖЛАНМОҚДА

Шунинг баробарида ана шундай корхоналарда асосан маҳаллий аҳоли иш билан таъминланмоқда. Туркиядаги «Sedat Trico» тўқимачилик фабрикасининг пойтахтимиздаги корхонаси ҳам 2006 йилда иш бошлаган эди. Таъсисчилар 150 минг доллар инвестиция киритиш, 2 та цех замонавий тўқув ва тикув дастгоҳ ҳамда ускуналари билан жиҳозланган эди. Цехларда 40 нафарга яқин ишчи-хизматчи фаолият бошлаб, илгор технологиялар асосида тайёрланган трикотаж матоларни, кийим-кечак учун иш-

лаб чиқарилаётган аксессуарлар хариддорларни мамнун этди.

Ички ва ташқи бозорни ўтган йиллар мобайнида тинмай ўрганган тадбиркорлар имкониятларидан келиб чиқиб корхонани кенгайтириш, янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар турларини янада кўпайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида янги ишлаб чиқариш корпуси сотиб олиб, устав фондларини 2 миллион 64 минг АҚШ долларига оширдилар. Шунинг баробарида замонавий хорижий технология линиялар-



ни муваффақиятли бошқарадиган ишчи ходимлар малакасини оширишга, кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Хозирги кунда корхона йилiga 1 миллион килограмм маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, тайёрланган маҳсулотларнинг 60 фоизи хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда. Корхонанинг трикотаж матоларидан маҳаллий тадбиркорларимиз ҳам самарали фойдаланган ҳолда ички бозорни сифатли ва рақобатбардош кийим-кечаклар билан таъминламоқда.

«Sedat Trico» корхонаси тадбиркорларини маҳсулот турларини кўпайтириш асносида буюртмаларни ўз вақтида бажариш ҳамда экспорт ҳажмини оширишни кўзда тутишган. Энг асосийси, ҳам

ички, ҳам ташқи бозорда корхона маҳсулотларига талаб ортиб бормоқдаки, бу изланишлардан, маркетинг ишлари ривожидан далолатдир. Ҳозирда трикотаж маҳсулотлари Туркия, Қирғизистон сингари мамлакатлардаги хариддорларга етказиб берилаятган бўлса, ишлаб чиқаришнинг кенгайтириш асосида эндиликда хорижий хариддорлар сафи ҳам кенгайди. Мухими, «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиғи дунё андозаларига жавоб берадиган сифатли товарларнинг жаҳон бозорида муносиб ўрин топаётганидир.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: корхона цехларида малакали кадрлар меҳнат қилишмоқда.

Алексей Попов олган суратлар

● **ШАХРИМИЗДА** аёллар ўртасида шахмат бўйича ташкиллаштирилган Ўзбекистон чемпионати мусобақалари қизгин паллага кирди.

● **ШАХРИМИЗДА** Ёшлар йили ҳамда юртимиз Истиқлолнинг 17 йиллиги муносабати билан ўтказилган хайрия тадбири ва расмлар кўргазмаси «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан уюштирилди.

● **МИРОБОД** туманидаги Фафур Фулом номи маданият уйи саргарошлик курси қатнашчилари иштирокида «Очик дарс» тадбири ўтказилди.

● **КЕЧА** Учтепа туманидаги «Ором» умумий ўрта таълим-тарбия боғча мактабида «Учтепа бунёдкори» ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧАЛАР

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДАГИ ДИПЛОМАТИЯ ВАКОЛАТХОНАЛАРИДА ЮРТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 17 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА. УЛАРДА ТАНИҚЛИ ДАВЛАТ АРБОБЛАРИ, ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ДОИРАЛАР ВАКИЛЛАРИ, ДИПЛОМАТИЯ МИССИЯЛАРИ ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВАКОЛАТХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, ЭКСПЕРТ ВА ТАҲЛИЛЧИЛАР, ЖУРНАЛИСТЛАР ИШТИРОК ЭТМОҚДА.

Юртимиз мустақиллиги кунги муносабати билан Ўзбекистоннинг Хитой Халқ Республикасидаги элчихонаси томонидан ташкил этилган тантанали кеча Пекиндаги машҳур сайёҳлик марказларидан бирига айланган «Шош» ўзбек арт-чоёхонасида бўлиб ўтди.

Тадбир очилишида сўзга чиққан ХХР ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Ли Диньдун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Пекинда ўтказилган Олимпиада ўйинлари очилиш маросимидаги иштироки Хитой томонидан саноимий миннатдорлик билан қабул қилинганини таъкидлади. Дипломатининг сўзларига кўра, бу — икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқалар фаол ривожланиётганидан далолат бериб, мазкур йирик халқаро спорт мусобақасининг муваффақиятли ўтишида Ўзбекистон Хитойни қўллаб-қувватлаганини намойён этди.

Ли Диньдун Ўзбекистон — Хитой муносабатлари ва ҳамкорлиги қўллаб-қувватлаш жараёнида ривожланиётгани, икки давлат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро тушуниш ва ҳурмат юксак даражада эканини қайд этди. Вазир ўринбосарининг айтишича, мамлакатларимизнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқалари ҳам катта аҳамиятга эга.

Хитойнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан дўстлик жамияти раиси Чжан Дэгуаннинг таъкидлашича, сўнгги 17 йил ичида Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиёт бобига эътиборга молик натижаларга эришди. Унинг фикрича, мамлакатимизда сиёсий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг юқори кўрсаткичлари сақланиб қолаятгани бунинг яққол тасдиғидир.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, шунингдек, БМТ Ривожланиш Дастури билан биргаликда ташкил этган семинар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг мамлакат минтақаларига чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришдаги ролини ошириш масалаларига бағишланди.

● Навоий шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида Омбудсманнинг суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлиги масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

● Чирчиқ шаҳридаги Олимпия заҳиралари коллежида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари билан бўлиб ўтган учрашув «Мустақиллик — маънавий тикланиш ва юксалиш» мавзусига бағишланди. Тадбирда Президентимизнинг «Юксак маънавият—енгилмас куч» асарини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, китобда кўтарилган ва илгари сурилган голларни чуқур ўрганиш масалаларига эътибор қаратилди.

● Тошкент шаҳар Давлат архивида Ёшлар йили ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда архив ишининг етакчи мутахассислари, Ҳамза туманидаги қатор мактаб, касб-ҳунар коллежи, мактаб-интернати ўқувчилари иштирок этишди.

● Қашқадарёдаги Сайидо Насафий номидаги вилоят аxbорот кутубхона марказида Глобал экологик жамғарма (GEF)нинг Ўзбекистондаги кичик грантлар дастури доирасида семинар бўлиб ўтди.

● Ўзаро иқтисодий ҳамкорлик юзасидан Жанубий Корея Республикасига сафар қилган Наманган вилояти тадбиркорлари вакиллари 12 миллион АҚШ доллари миқдоридagi учта меморандумни имзолаб қайтдилар.

● «Яккабоғтекс» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасида жорий йилнинг ўтган олти ойида 250 минг АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция жалб қилиниб, 30 та янги иш ўринлари яратилди.

● Тахياتош шаҳрида республика Хотинқизлар қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тахياتош шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан «Шу азиз Ватан — барчамизники!» деб номланган дўстлик форуми бўлиб ўтди.

● Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон-Люксембург қўшма корхонасига қарашли «Сан-гзор» ташхис маркази масъулияти чекланган жамияти фаолият кўрсата бошлади.

● «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва «Меҳр нури» жамғармаси ҳамда республика «Аёллар кенгаши» ҳамкорлигида Навоий шаҳрида «Оила саломатлиги» марафони ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● «Audi» компанияси текис ва нотекис йўللarda бемалол ҳаракатлана оладиган «Q7 V12 TDI» русумли автомашинасини Германияда сотувга чиқарилганини маълум қилди. 500 от кучига эга бўлган мазкур автомашина юқори тезликка атиги 5,5 сонияда чиқа олади ва 100 километрга 11,3 литр дизель ёнилғисини сарфлайди.

● Италиянинг қурилиш ишлари олиб бораётган Салерно шаҳрида Иккинчи жаҳон уруши вақтида қолиб кетган бомба топилди. Мутахассислар портловчи қурилмани зарарсизлантиришга ҳаракат қилишаётгани боис маҳаллий аҳоли зудлик билан хавфсиз жойларга кўчирилган.

● Япониянинг собиқ мудофаа вазири ва телебозловчи Юрико Коике Либерал-демократик партиядан мамлакат бош вазирлигига ўз номзодини қўйишини маълум қилди. «Франс-пресс» аxbорот агентлиги хабарига кўра, у Япония ҳукумати раҳбарлигига ўз номзодини қўйган биринчи аёлдир.

● Ливан сиёсий қучлари етакчилари ўртасидаги низои бартараф этишга доир мулоқот 16 сентябрда бўлиб ўтади. «РИА Новости» хабар беришича, бу ҳақда Ливан Республикаси президенти Мишэль Сулаймон маълум қилган.

● Александр Карпентье бошчилигидаги француз шифокорлари миёдаги саратон тўқималарини нур ёрдамида йўқ қилиш усулини ихтиро қилди. «Neurosurgery» журна-лида ёзилишича, Париждаги шифохонада ўтказилган тажрибалар натижасида 15 нафар бемордан 6 нафари касалликдан фориғ бўлган.

● 10 сентябрь кун ОПЕК нефть ишлаб чиқариш ҳажмини кунига 520 минг баррел қисқартиришини маълум қилди, деб хабар беради «Интерфакс». ОПЕК раиси ҳамда Жазоир энергетика вазири Шакиб Халилнинг айтишича, нефть ташкилотига аъзо давлатлар ишлаб чиқариш ҳажмини 40 кун ичида қисқартиришга қарор қилишган.

«Туркистон-пресс»

аш даркор.

муҳим аҳами-
ати Ўзбекистон



Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг саҳифаси

Бугунги мақолаимиз қаҳрамони Фотима опа Бухарова ҳам, жамиятимизнинг кундан-кунга ривожланишига, тараққиёти этишига ўз хиссасини қўшаётган, жонқуяр раҳбар аёллардан бири ҳисобланади. Йигирма йилдирки Республика болалар кутубхонасида ёшлар билан китоблар дунёсини минг битта оламга сайр этиб, маънавият гулшанига ўзига хос хисса қўшиб келмоқда.

— Мен ўзимни бир нафас ҳам болаларсиз ва китобларсиз тасаввур қила олмаман, — дейди Республика болалар кутубхонаси директори Фотима Бухарова биз билан бўлган суҳбатда. — Китоблар олами шундай бир сеҳрли, завқли, роҳатбахш маконки, унга интилингани сари тафаккуринг бойиб, эҳсининг ўтирилиши, шурун равшанлашиб бораверади. Кутубхонамиз республика бўйлаб фаолият юритади. Жуда кўплаб танловлар, турли хил тадбирлар ўтказиб борамиз. Бундан кўзланган мақсад эса ёшларнинг билим даражасини янада бойитиш, маънавиятини юксалтириш, ватанини севишга, уни қўз қорачиқидек асрашга даъват этишдан иборатдир. Бинобарин китоблар наинки ёшларга, балки барча-барчага бирдек маънавий озуқа берадиган битмас-туганмас ҳазинадир. Айниқса, қизларимиз ва аёлларимизга бағишлаб ёзилган шундай бир китоблар чоп этилмоқдаки, улар замирида-

Хамшаҳарларимиз

ЁШЛАРНИНГ СЕВИМЛИ УСТОЗИ

ги маъно оилаларнинг тинчлигини, болажонларнинг бахтли келажagini таъминлашга хизмат қилмоқда. Zero, оилалар хотиржамлиги юрт тинчлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Бизнинг кутубхонамизда ўтказилаётган ҳар бир тадбир замирида ҳам энг эзгу ниятлар мул-жассамини кутубхона жамоасининг ақсариёти қисмини аёллар ва қизлар ташкил қилади. Уларнинг самарали меҳнатлари ҳар қандай таҳсинга сазовордир. Ёшлар йили муносабати билан ҳам кутубхонамизда қатор хайрли тадбирлар ўтказилди ва ўтказилмоқда. Польша, Украина, Япония, Россия элчихоналари билан ҳамкорликда ўтказган тадбирларимиз ёшларни байналмилал руҳда тарбиялаш, уларнинг тафаккурини, билим доирасини янада кенгайтириш мақсадида ўтказилган бўлса, турли хил китоб кўргазмалари ўзбек болалар адабиётини нафақат республикамизда, балки бошқа мамлакатларда ҳам тарғиб қилишда салмоқли хисса қўшмоқда. Ки-

тоб улкан ва беҳисоб бойлик ҳисобланади. Шундай экан китобларни асраб-авайламоғимиз шарт.



Истамизки, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросининг ҳеч бўлмаса биттагина севили китоби бўлсин ва ўша китоб уни ҳидоят йўлига, саодат ва эзгулик йўлига ошно қилиб турсин...

Дарҳақиқат, китоблар эзгуликка, яхшиликка хизмат қилаётган энг яхши воситадир. Бу ақидадан тўғри англаб олиш учун эса юртимизга Фотима опа сингари фидойи инсонлар керак.

Фотима Бухарова илк фаолияти-

ни мазкур кутубхонада кутубхоначиликдан бошлаган, сўнгра эса катта хизмат кўрсатиш бўлимининг мудир, маънавий ва тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари, 1999 йилдан шу даврга қадар кутубхона директори лавозимини ишлаб келмоқда. Улар билан суҳбатлашш жуда мароқли. Унинг ташаббуси билан ҳар йили «Китобсеварлар», «Энг яхши болалар кутубхоначиси» кўрик-танловлари ўтказиб келинмоқда. Доимий равишда хайрия тадбирларини ўтказиш ҳам анъанага айланган.

Умумий китоб жамғармасида 238000 минг нусха китоблари мавжуд маскан бугунги кунда электрон кутубхонага эга. Электрон каталогини тузиш бўйича эса иш олиб боришмоқда. Ҳозирги кунда 6230 библиографик ёзувдан ҳам иборат. Энг қувонарлиси шундаки, 2003 йилда Япония ҳукумати-нинг маданият соҳасига беғараз ёрдами дастури доирасида «Республика болалар кутубхонаси аудиовизуал ускуналар билан таъ-

минлаш лойиҳаси» устида иш олиб бори. Натижада эса, кутубхона грантга лойиқ деб топилиб, 2007 йилда 240000 АҚШ доллари миқдоридида замонавий техник ускуналар кутубхонага тақдим этилди.

Бу ютуқларнинг бошида эса Фотима опа турибди. Унинг саяҳатлари билан наشريётлар, китоб палатаси вакиллари, кутубхоначилар, педагоглар билан долзарб мавзуларга бағишлаб давра суҳбатлари ўтказилиб келинмоқда.

Опа ишидаги эришган ютуқлари учун бир неча бор қатор мукофотларга сазовор бўлган. Шунингдек, 1999 йилда «Шухрат» медал билан ҳам тақдирланган.

Фотима опа билимдон мутахассис, моҳир ташкилотчи ва раҳбар сифатида ўзи раҳбарлик қилаётган кутубхона ва барча вилоят кутубхона ходимлари ҳамда мактаб ўқитувчилари орасида хурмат-эътибор қозongan. У ёшларнинг севишли устози ҳисобланади.

Доноларимиз айтганидек: китоб энг ёруғ ва нури йўлни кўрсатувчи ягона воситадир. Ана шундай нурафшон йўлни босиб ўтишда Фотима Бухаровага ўхшаган жонқуяр аёлларимизнинг меҳнатлари бекиёсдир.

Гуллигор САТТОРОВА
СУРАТДА: Республика болалар кутубхонаси директори Фотима Бухарова навбатдаги тадбирда

ЯҚИНДА ШАҲРИМИЗНИНГ ҲАМЗА ТУМАНИДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ХОТИН-ҚИЗЛАР КЎМИТАСИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР «ЭЛНАЖОТ» НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАШКИЛОТИ, ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ КЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ФОНДИ КЎМАГИДА «ҚАЙНОНАЛАР МАКТАБИ» МАВЗУИДА СЕМИНАР-ТРЕНИНГ ЎТКАЗИЛДИ.

Анжуманлар

МЕНИНГ ОИЛАМ

Семинар-тренингда туманининг барча фаол аёллари, хотин-қизлар кўмиталари раислари, ҳамда ёш келинлар ва қизлар иштирок этиди. Анжуманда, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдурахимова «Баркамол авлод», «Никхо», «Оилавий келишмовчиликлар ва низола», Тошкент шаҳар «Элнажот» нодавлат-нотижорат ташкилоти раиси Муаттар Исаева эса, «Оила — муқаддас маскан» мавзуларида сўзга чиқдилар.

Шунингдек улар ўз сўзларида бугунги кунда оилалар мустаҳкамлигига эътиборни қўйиш аҳралишларнинг олдини олиш, ёш оилалар тинчлигини таъминлаш, уларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, оилада тиббий маданиятини янада юксалтириш, болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, ёшларни ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ва қайноналар мактаби семинар-тренинглари билан туманларда узлуқсиз ўтказиб бориш ва улар замиридаги мақсад ва вазифаларни кенг миқёсда аёллашимизга ва қизларимизга тушунтириб бориш кераклигини таъкидлашди.

— Оила — муқаддас кўрғондир, — дейди Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Фарида Абдурахимова, — уни асраб-авайламоқ, тинчлигини ва хотиржамлигини таъминламоқ, болажонларнинг униб-ўсиши учун бахтли ва истиқболли келажакни таъминлаб бермоқ ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Zero оила-си мукамал бўлган юртининг эртаси ҳам порлоқ бўлади. Қачонки оилалар тинч ва осойишта бўлса юрда ҳам осойишталик, тўкинлик, фаровонлик ҳукмрон бўлади. Шундай экан оилалар хотиржамлигини таъминлашга ҳар биримиз масъулдир. Болаларимиз соғу-саломат униб ўсишлари, келажакда соғлом, билимли, доно ва зукко, солиҳ фарзандлар бўлиб вояга етишларида ҳам оиланин ўрни бекиёсдир. Бу каби тадбирлар замирида эса асосан оилаларнинг бахтли ва фаровон ҳаёти, қайноналарнинг ёшларга бўлган ғамхўрликлари қамраб олинган. Ушбу тадбирни ўтказишимиздан мақсад ҳам, шаҳримизда истиқомат қилувчи аёлларнинг жамиятимизда оилага тегишли бўлган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари билан таништириш орқали ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, қайноналарда келинлар билан ўзаро муро-са ва келишув, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик кўник-маларини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборатдир.

Жумладан анжуман доирасида, руҳшунос ва ҳуқуқшунос маслаҳатлари, амалий машғул-лотлари ўтказилди. Айниқса «Келинлик дав-ридан лаваҳ» деб номланган амалий машғу-лот барча иштирокчиларда бирдай яхши та-ассурот қолдирди.

«Оила нима», «Оила турлари», «Оила қад-риятлари», «Оиладаги роллар», «Оила аъзо-ларининг маънавий мавзусидаги руҳшунос маслаҳатлари ҳам ўз ўрнида йиғилганлар эътиборини жалб этиб, анжуманнинг янада мазмунли ва мароқли ўтишини таъминлаб берди.

Шундан сўнг «Менин оилам» мавзусида ижодий имтиҳонлар ва викторина ўйинлари уюштирилди. Тадбир сўнггида барча иштирок-чиларга сўровномалар тарқатилди.

Шундан сўнг тадбир иштирокчилари бўлиш маҳалларда фаоллари ҳам ўзлари-нинг оила мустаҳкамлиги ҳақидаги фикрла-рини ўртоқлашди.

Фикр-мулоҳаза, савол-жавоб ва турли хил амалий машқ ва чиқишлардан иборат бўлган семинар-тренинг барча иштирокчиларда бир-дай яхши таассурот қолдирди.

(Ўз мухбиримиз)

Туйғулар

ОНА СИЗНИ СОҒИНДИМ ЯНА

ОНАМ КИРДИ ЯНА БУГҲН ТУШЛАРИМГА. МАЙИНГИНА ЖИЛМАЙДИ-Ю СОЧИМ СИЛАБ, ЮЗЛАРИМГА КУЛИБГИНА БОҚИБ ТУРДИ, СЎНГРА ЭСА СЕКИН КЕТДИ ҚЎЛИН СИЛТАБ. ТЎХТАНГ ОНА, КЕТМАНГ ОНА ОЛИСЛАРГА, ЖОНИМ НИСОР БЎЛСИН ЙЎЛИНГИЗГА. ЮГУРДИМУ, ЕТОЛМАДИМ, КЎЙЛАГИНГИЗ ЭТАГИДАН ТУТОЛМАДИМ. УЙОНДИМ-У КЕЛСОЛМАДИМ ХУШЛАРИМГА. КЎЗЛАРИМДА ҚОТИБ ҚОЛДИ БИР ТОМЧИ ЁШ, КЕТГИМ КЕЛДИ ҚАЕРГАДИР СЕКИН ОЛИБ БОШ...

Ҳаёт давом этмоқда, бунда фақат сиз йўқсиз. Бошининг кўтариб юр дегувчи да-дам ҳам йўқ. Соғинчлар азобида тўлго-нади бу кўнглим, қорғимга симиллаб ки-риб бормоқда бир ўк, Ён- атрофга боқа-ман, ҳамма шодон, ҳамма шод, айтнинг она-жонгинам мени соғинмайсиз нахот...

Йиллар ўтди, келишингиз эртак, афсо-на бўлди. Соғинчлардан қўнғил қўғуғур му-дом кемтик, кам бўлди. Кайга борсам, ни-мадир йўқ, дилим чекар изтироб, онажон-нин сиз мен учун эдингиз моҳи офтоб. Юрган йўлим баъзан сира нимагадир ун-майди. Узоқдаги ганимларим пайт пой-лайди қўймайди. Баъзан ногўш тоғиб кет-сам тўғри юрган йўлимдан, ёнимдаги дўстим хатто ушламайди қўлимдан.

Сиз эдингиз жони фидо балоғардон ғанимга, онажоним айтнинг энди ким ярай-ди камимга. Баъзан қалбим исён қилар, хушламайди ҳеч кимни, бу дунёнинг иш-ларига қўйиб бердим ўзимни.

Биламан чорангиз йўқ, йўқса келмас-мидингиз, бизнинг дийдоримизга боқиб тўймасмидингиз, бошимизда бош бўлиб, яхшимизни ошириб, ёмонимиз яшириб бўлар-бўлмас кўзлардан, турли игво сўзлардан асраб юрмасмидингиз.

Кизларимнинг сочини ўриб қўймаси-

дингиз, сирларига сирдош бўлиб билма-ганим ўргатиб, панду-насихат қилиб ёнида бўлмасмидингиз. Ёлғизгина оламнинг ёнида елкадош туриб, қорадаги дардла-рини қўйиб солмасмидингиз. Асосийси ҳовлимиз уйимизнинг тўрини яшнатиб, гулга ўраб қўзимизни қувнатиб, душман-ларни қўйдириб, тирик юрмасмидингиз.

Кетдингиз бизни ташлаб, юракларимиз-ни гашлаб, энди айтнинг онажон, мен қайга бораёй бўлаб. Сизни соғиндим жуда, кўргим келиб кетаяпти, юракларим эти-киб сиз томонга шошаёпти. Қўларингиз-дан ушлаб, юзларингиздан ўпиб қайга бўлса ҳам майли фақат сиз билан она, кетгим келиб кетаяпти...

Бугун кўнглим йўғлади мен йўғлама-дим она. Соғинган ҳам мен эмас менин-г кўнглимдир она. Соғинчлар силсиласи до-мига тортиб кетди, бир кўрмоққа зор бўлиб, турибман ёна-ёна.

Қалбим бас қилма фарёд. Тилкалай-верма дили, айрилиқ аламингиз, армон-ли азобингиз ҳар ёнга сочаверма, онам-ни тоғиб бер деб қўққа қараб солма до. Бу беш кўнлик дунёнинг ярми айрилиқ ўзи, қолган ярмида эса бор эмиш қанду-новот.

Сабрдан қўрғон қуриб сабот билан кут

кўнглим, барча соғинч, изтиробни ич-чинингизга ют кўнглим. Жилла курса қорғозга тўқиб сол дардларингиз, кўзларингизни юмгини, яшир кўз ёшларингизни. Йўқса онам қабрида тик тураймиш тўлғониб, «Нега йўғлар қизим» деб бўлиб руҳи бе-зовта.

Онажон, мунисгинам, узоқдаги парво-нан нур ёғилсин гўрнингизга, бўлманг сира безовта. Жаннат гулин жаннатларда те-риб юринг, беҳишт боғларида кезиб мени эслаб дуо қилинг. Кавсар суви пойингиз-да оқиб турсин шилдираб, ҳур малаклар рақс тушин тегрангизда чарх айлал. Да-даним ҳам асранг доим, ёлғизлигим қол-масин, шу қизгинам тинчмикан деб оро-мини бузмасин.

Тушларимда қўриб сизни, тўлиб кетди кўнглим мени, соғинч отли оташ туйғу қўй-дириди-ку борлигини. Шу важдан ҳам тўлиб-тўйиб бир йўғилганим келди она. Қабрингизга боролмадим, шудир асли бир бахона. Сизни эслаб пойингизга гуллар тўшаб қўйгим келди, лекин олис -олис йўшлар кўларимдан ушлаб қолди. Бухо-ронинг йўшларига қараб-қараб қўзим тол-ди, соғинган ушбу юрак соғинчлардан адо бўлди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Бекалар учун

БУ СИЗГА АСҚОТАДИ

● Агар овқатингиз та-га олса ёки рақовинида-ни ёқимсиз ҳид келса, ку-ри-тилган лимон пўстини ёқсангиз хонангиз бўйлаб хушбўй ҳид таралади.

● Лимон пўстлоғи би-лан ошхона жиҳозларини артсангиз сариқ доғларни ҳам кетказиш мумкин.

● Қаҳва қўпигини гу-л тувакка тўқсангиз, тупрок-нинг унумдорлигини сези-ларли даражада яхшилайди.

● Ош тузини яхши сақ-ламоқчи бўлсангиз, уни қоронғи ва ёпик идишга со-либ қўйинг, шунда йод мо-далари ўзида туради.



КЕЛИНЛАРГА МАСЛАҲАТЛАР

● Қайнонагиз она бўл-гани, ёши улўғлиги, тажри-баси катталиги, сиздан до-норок, тадбиркорроқ бўлгани учун ҳам унинг из-зат-хурматини жойига қўйинг. Ўзингизни асло катта тутманг, итоатсизлик кўрсатманг. Чунки онанинг ўғлидаги ҳақлари бисёр-дир.

● Рўзгорнинг бор-йў-ғи-га чидамли, сабрли, қано-атли бўлишга ўрганинг, айтганингиз бўлмай қолса, жанжал кўтаришини одат қилманг.

● Ота-онангизга гап та-шиб боришни, уйдаги сир-ларни кўчага чиқаришни одат қилманг. Бу билан қудалар ўртасидаги хур-мат-оқибатни барбод қила-сиз, турмушингизга совуқ-лик тушириб, эрингиз хо-надонига хиёнат қилган

бўласиз.

● Нима иш қилмоқчи бўлсангиз, қайнона билан маслаҳатлашнинг, маб-ла-фингизни қайнона билан келишиб харжланг, тежа-мор бўлинг. Чунки у рўзгор-нинг паст- баландини, оила харажатларини, қаттиқ-қуруқни сизга қараганда яхшироқ билади. Ўзбо-шимчалик, пала-партишлик ўртадаги муҳаббатни бар-бод қилади.

● Тилингизга эҳтиёт бўлинг, ёлғон сўзлашга ўрганманг. Катталарнинг иззат-нафсига тегадиган ботил сўзлар билан дило-зорлик қилманг.

● Ота-онангизни соғиниб уйингизга ёки бирор маъ-ракага бормоқчи бўлсан-гиз, аввал қайнонагиздан, сўнгра эрингиздан ижозат сўранг. Бу билан катталар-

ни ҳурмат қилган, уларнинг кўнглини топан бўласиз.

● Бирор ноҳўя иш қилиб қўйсангиз ёки қайнонагиз-нинг бирор топширигини бажармаган бўлсангиз, да-рҳол уэр сўрашга одатла-нинг. Халқимизда «Эгилган бошни қилич кесмас» де-ган нақл бежиз айтилмаган. Кечирим сўраш билан об-рўйингиз тушиб, мартабан-гиз пасайиб қолмайди. Ак-синча, янада ардоқлироқ, суюклироқ бўласиз.

● Қайнонанинг хизмати-дан асло бўйин товлама-нг. Чунки кўп ҳолларда жан-жал-можаролар ана шу «қилди-қилмади»лардан келиб чиқади. Ахир сиз ёшсиз, ғайратингиз жойи-да.

● Хонадондаги қайинсин-гилларингиз, овсинларин-гиз билан аҳил бўлишга, уларнинг кўнглини топи-шга ҳаракат қилинг. Қайно-

нага ёқини ўйласангиз, аммо унинг суўкли қизла-рига, сиздан олдин қадр-донлашиб қолган келинла-рига напосанд муомалада бўлсангиз ҳеч нимага эришмайсиз.

Бахтли, фароғатли ҳаётини истасангиз, юқоридаги маслаҳатлар-га амал қилинг. Оила муқаддас кўрғон, уни авайлаб-асраш, бахт қасрига айлантириш сиз-нинг қўлингизда. Албат-та қайнота-қайнонани, эрингиз ва унинг яқинла-рини ҳурмат қилсангиз, улар ҳам сиздан меҳр-муҳаббатларини дариг-тутмадилар. Оиланин-тинч-тотувлиги аввало меҳр-оқибат, ҳурмат бўлган жойдагина барқ-арор бўлади. Шу қонда-ларга амал қилсангиз, албатта бахтли бека бўлишингиз аниқ.

МИЛЛАТ ҚАЛБИГА ЙЎЛ ТОПАН АСАР

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЕНГИЛМАС КУЧ» АСАРИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ЖОЙЛАРДА ТУРЛИ ТАДБИРЛАР БЎЛИБ ЎТМОҚДА.

Президентимизнинг мазкур асари барча идо-ра ва ташкилотлар, таълим даргоҳларида ўқи-б-ўрганилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Адлия ва-зирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини оши-риш марказида ана шундай тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари С.Холбоев бошқарган тадбирда ис-тиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда мил-лий маънавиятимизни тиклаш ва янада мустах-камлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилгани, бу эса халқимизнинг жаҳонда ўз ўрнини топишда муҳим омили бўлгани алоҳида таъкидланди. Халқимиз маънавиятини янада юк-салтириш, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва он-гини зарарли гоҳ ҳамда мафқуралардан ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратил-моқда.

Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгил-мас куч» асари бу борада муҳим дастурийамал бўлмоқда. «Бу дунёда табиатда ҳам, жамиятда ҳам бўшлиқ бўлмайди. Каердадир бўшлиқ пай-до бўлдим, ҳеч шубҳасиз, уни албатта қимдир тўлдиришга ҳаракат қилади», дейилади асарда. Дарҳақиқат, бугунги мафқуравий хуружлар шид-дат билан кечаётган дунёда инсон маънавияти ва тафаккурини забот этиш йўлида бўлаётган тах-дидларга қарши кураш олиб бориш, турли зар-рарли оқимлар юртимизга, айниқса, ёшларга ўз таъсирини ўтказишдан огоҳ бўлиш шу куннинг талабидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ишти-рок этган тадбирда бу борада ҳуқуқни муҳофа-за қилиш идоралари олдиға қўйилган вазифа-ларнинг ижросини изчил таъминлаш юзасидан фикрлар билдирилди.

Нургул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА ЎЗ ИШИНИ БОШЛАЙДИ

МИЛЛИЙ САҢЪАТ МАРКАЗИДА «ВАҚТ БЕЛГИЛАРИ: ДОЛЗАРБ МУЛОҚОТ» МАВЗУСИДАГИ ЗАМОНАВИЙ САҢЪАТ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАНИНГ ОЧИЛИШИ ОЛДИДАН МАТЕУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жам-фармаси, Швейцария ҳамкорлик ва ривожлантириш агентлиги ташаббуси, В.Гого номили Француз мада-нияти маркази, Тошкент Гёте институти ҳамкорлиги-да ташкил этилаётган мазкур кўргазма жорий йил-нинг 10 сентябридан 22 сентябрга қадар давом этиши режалаштирилган.

Матбуот анжуманида маълум қилинишича, бу йил лойиҳанинг қамрови кенгайиб, унга мамлакатимиз расмолари билан бир қаторда Франция, Испания, Озарбойжон, Қозғистон каби бир қатор давлатлар-дан вакиллар иштирок этиши кўзда тутилган. Кўргаз-мага франциялик Робер Кайен, Филипп Ленё, гер-маниялик Юлия Ошатц, испаниялик Карлос Казас, озарбойжонлик Ҳасан Али каби хорижлик замона-вий санъат усталари ҳам қатнашади. Улар замона-вий санъатда ўз миллий маданиятларининг ўзига хосликларини намоён этган янги асарларини тақ-дим этади.

Шунингдек, анжуманда Ўзбекистонда замонавий санъат бўйича фаолият юритаётган юксак истеъдод соҳиблари А.Николаев, В.Усеинов, Ж.Усмонов, Б.Ис-моилов номларини алоҳида таъкидлаб ўтишди. Бу-лар мамлакатимиз замонавий санъатини яратган бўлиб, улар Венеция ва Монрель Биенналелари, ис-лом давлатларининг Техрон Биенналееси сингари йи-рик халқаро кўргазмаларда қатнашиб, замонавий санъатимизни дунёга танитишда муносиб хисса қўшганликлари қайд этилди.

Бундан ташқари, кўргазма доирасида расмолар-нинг инсталляция, инвайронмент, объектлар ва ви-део махсулотлари намоёиши бўлиб ўтади. 11-12 сен-тябрь кунлари видеосанъат бўйича маҳорат дарсла-ри германиялик расмол Ю.Ошатц томонидан ўтқа-зилади.


Сурайё МЕЛИКУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

ТОШКЕНТДА ФРАНЦИЯ МЕЪМОРЧИЛИГИ

ТОШКЕНТДА 18 СЕНТЯБРЬ КУНИ ЙИГИРМАНЧИ АСРДАГИ ФРАНЦИЯ МЕЪМОРЧИЛИГИ ХУСУСИДА ХИҚОЯ ҚИЛУВЧИ ФОТОКЎРГАЗМА ИШ БОШЛАЙДИ.

Ўзбекистон Миллий банки галереясида ташкил этилаётган фотокўргазмада Франциядаги давлат аҳамиятига молик, давлат томонидан муҳофаза қили-надиган бинолар, саройлар ва қасрлар суратлари намоёиш қилинади.

Шунингдек, йигирманчи асрда барпо этилган ва шаҳарлар қўринишига ўзгача кўрк бағишлаган боғ-лар, дам олиш майдонлари, маданий марказларга ҳам кенг ўрин берилди. Таъкидлаш лозимки, ортада қолган йигирманчи аср, буюк бунёдкорликлар дав-ри бўлиб ҳам тарих саҳифасида муҳрланиб қолди. Эътиборлиси, асрнинг бошларида қурилган бино-лар меъморчилигида муҳташамликка ва улўворлик-ка ҳамда тарихийликка кўпроқ ўрин берилган бўлса, юз йиллик охириларида эса, қўлайлик, шинамлик ва табиат билан уйғунлик қурилиш асосини ташкил эта бошлади.</



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БУСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

Бемаъни кишиларга аралашма, шунда уларнинг ёмонликларидан сақланажаксан.

Ўйламасдан ўринсиз сарф қилишдан сақлан, бўлмаса энг тубан кишиларга муҳтож бўласан.

Туғма кўрлар йиқилмаслар чуқурга, Чуқурларга очик кўзлар йиқилар. Жохил бормай баъзан хато, қусурга, Бу хатога гоҳо оқил тикилур.

Машаққатли кун кечириб тўғрилар, Хиёнаткор баъзан даврон суради, Катта бойлик топган бўлса ўғрилар, Хиёнатдан эмас, бахтдан кўради.

Камбағаллик кишиликнинг завқ нурини сўндирар, Кун ботганда унинг нури хиралашган сингари.

Камбағаллик кишиликни машаққатга кўндирар, Орзуларин қанча ёзсин, тўлмас кўнгил дафтари.

Кўринмаса фақир одам, ҳеч ким уни йўқлама, Хоҳ бўлсин у, хоҳ бўлмасин, ҳеч кимсанинг иши йўқ.

Хилват ерда кўз ёш тўқар, оҳ тортар у ҳар нафас, Қариндош ҳам боқмас унга, ҳол сўровчи киши йўқ.

Ипакка ўралган жафожўй ёрдан: Ип кийсин, вафодор бўлсин. шу беҳтар. Меҳрибонлик қилса сенга ночордан: Ундай вафодан қоч! Орқаси хатар!

Олдин ўйлаб иш қилган, охирида шошмайди, Шафқат қутсанг бировдан, раҳмдил бўл ўзинг ҳам, Зулм этмасанг бировга, у ҳам ҳаддан ошмайди, Уруғ сепсанг қанча кам, ҳосили ҳам шунча кам.

Бир нафаслик хурсандлигинг бой берма, Фамга борма, сени шодлик қутмоқда. Ташвишларга бўш кўнглингдан жой берма, Дам ганимат, умринг ҳам тез ўтмоқда.


Ҳар бир лақаб: эгасига ўлчаб тикилган либос. Кимдирки у, лақабига феъл-атвори келмас мос?

Ўзи инсону бадкирдор бўлса: Насиби доимо нафрат, ҳақорат. Ҳамма дунёга гар шундай тугилса: Келур таҳсин билан раҳматга горат.

Жон бор ерда, қазо бор.

Ҳисоблашмай сарф қилганлар тезда қашшоқликка, гадойликка йўлиқадилар.

Дунё сенга қарам қилса, сен ҳам қайтар вақтида, Қарздорликнинг ташвишидан тезроққина бўл хориж, Бу дунёнинг касби шудир: у турмас ўз аҳдида, Ўз аҳдида турганида, мушқулигини тезроқ еч! Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади.



БУГУНГИ КУНДА ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОДНИНГ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ ВА БАҚУВВАТ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИДАГИ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРДАН БИРИГА АЙЛАНГАН. ШАҲРИМИЗНИНГ ҲАР БИР ГЎШАСИДА ҚУРИЛАЁТГАН БИР-БИРИДАН МУХТАШАМ СПОРТ ИНШООЛАРИ, СУЗИШ ҲАВЗАЛАРИ ВА СПОРТ МАКТАБЛАРИ ФИКРИМИЗ ДАЛИЛИДИР.

ЯНГИ СПОРТ МАЖМУАСИ

Хусусан кун кеча Бектемир туманида қад ростлаган «Бектемир» болалар спорт мажмуаси ҳам айнан ёш авлоднинг соғлом турмуш талаблари асосида соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишларида хизмат қўсатди.

Мажмуанинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар келажак эгалари бўлган ёшларнинг жисмоний ва маънавий камолоти йўлида давлатимиз томонидан олиб борилаётган катта савб-ҳаракатлар ҳақида тўхталиб, ёшларнинг ҳам ушбу эътибор ва раҳм-ҳурмат муносиб бўлишларида ишонч билдирдилар.

— Пойтахтимиздаги ўқувчи-ёшларнинг мунтазам равишда спорт билан шуғулланишларида имконият яратилган ушбу спорт мажмуасини қўриб барпо этиш учун 950 миллион сўм, жиҳозлаш ва спорт анжонлари учун 64.839.000 сўм маблағ сарф этилди. Фарзандларимизнинг эртанги порлоқ келажаги ва ҳеч қимдан кам бўлмай яшашлари учун бугундан пойдевори ни мустаҳкам қўймоқ керак, — дейди биз билан суҳбатда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Аскар Толибжонов. — Бугун катта меҳнатлар эвазига қад ростлаган ушбу мажмуа мана шундай хайрли мақсадларга хизмат қилади, албатта.

Футбол

МЕҲМОНЛАР ҒАЛАБАСИ

КЕЧА

ПАХТАКОР МАРКАЗИЙ СТАДИОНИГА ЙИГИЛГАН МИНГЛАБ ТОМОШАБИНЛАР ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА САРАЛАШ ТУРНИРИНИНГ IV БОСҚИЧИ ЎЗБЕКИСТОН — АВСТРАЛИЯ ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ УЧРАШУВНИНГ ГУВОҲИ БЎЛИШДИ.

Авалдан мутахассислар муҳлислар эътироф этишганидек, австралиялик чарм тўп усталари маҳорат бобида устун эканликлари сезилиб қолди. Чунки меҳмонларнинг аксарият футболчилари Европанинг энг номдор клубларида тўп суришади. Шу боисми, ғалаба қозониш иштиёқида меҳмонлар дарвозаси томон қўл мартта хавфли ҳужумлар уюштирган Рауф Инилеев шогирдлари «Европа»-ликлар ҳимоя чизигини ёриб ўтиш ва дарвозани аниқ нишонга олиш насиб этмади. Учрашувнинг 26-дақи-

қасида меҳмонлар томонидан ҳимоячиларимизнинг қўпол хатоси тўғрисида дарвозачи киритилган ягона гол ўйин охиригача ўзгартириш ва беллашув 0:1 ҳисобида меҳмонлар ғалабаси билан якунланди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш лозимки, ҳамон ҳамюртларимизда жаҳон чемпионати йўлланмаси учун курашиш имконияти сақланиб турибди. Бунинг учун қолган учрашувларда ғалаба қозониш, муҳими мағлубиятга учрамаслик талаб этилади.

(Ўз мухбиримиз)

СЎРАНГ — ЖАВОБ БЕРАМИЗ

ЖАРРОҲЛИК ЙЎЛИ БИЛАН

Бир одамнинг юз килограмм ёғларини операция йўли билан олиб ташлашганимиш, деб эшитдим. Наҳотки шу рост бўлса? Бунда унинг ўзи неча килограмм бўлиши мумкин?

Собиржон Мирвалиев, Яккасарой тумани.

WWW.AIF.RU интернет сайти хабарига кўра, Новосибирск шаҳрининг йўл клиник касалхонасида ҳақиқатан ҳам шундай жарроҳлик операцияси бўлиб ўтган. Бу ерда 274 килограмм оғирликдаги Юрий С.ни семизликдан даволаш бўйича операция амалга оширилган. Бунгача у озишнинг турли йўллари синаб кўрган, парҳез тутган, ҳатто гипноз ҳузурида ҳам бўлган. Аммо ҳаммаси бефойда кетган.

Касалхонага келтирилганида йигит умуман юра олмай қолганди. Беморнинг бутун оғват ҳазм қилиш тизими фаолиятини қайта йўлга қўядиган билиопанкреотик шунтлаш деб аталадиган операция унинг сўнгги умиди эди. Ўт қопидан ошқорозонности безига қўшимча йўл (шунт — найча) ўтказиш орқали бу операция бажарилганди.

«Муайян таваккалчилик ҳавфи мавжуд эди — мутахассисларимиз бунгача ҳали шунча катта вазнли одамни операция қилишмаганди, — дея ҳикоя қилишганди касалхона матбуот хизмати ходимлари. — Шунинг учун операцияга бир неча ой давомида тайёргарлик кўрилди. Бахтимизга ҳаммаси яхши ўтди».

Оқоридаги операция натижасида миҳоз бир йил давомида юз килограмм вазнини ҳеч бир нуқуллайликлар сезмаган ҳолда йўқотар экан. Унинг ошқорозони бор-йўғи 270 мг овқатни, яъни стаканчадаги йогуртни сиғдираркан. Албатта, бора-бора ошқорозон деворлари қўзилиб, ўз ҳолига келади. Лекин унганча бемор ўз иштаҳасини назорат қилишга кўникиб кетади.

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ОИЛА — БАХТ-ИҚБОЛ ҚЎРҒОНИ. ШУ АЗИЗ МАСКАНДА ТУҒИЛИБ КАМОЛ ТОПАМИЗ, ОТА-ОНА, АКА-УКА, ОПА-СИНГИЛ, ҚАРИНДОШЛИК РИШТАЛАРИНИ БОҒЛАЙМИЗ. ФАРЗАНДИ УЧУН ЖОНУ ЖАҲОННИ БЕРИШГА ТАЙЁР, КИПРИГИМИЗГА ГАРД ҚЎНСА ПАРВОНА БЎЛАДИГАН ОТА-ОНА БАҒРИДА ЯХШИ-ЁМОН, ҚЎВОНЧУ-ШОДЛИК ТАШВИШЛАРИНИ БИРГАЛИКДА КЕЧИРИБ ОИЛА ПОЙДЕВОРИНИ МУСТАҲКАМЛАЙМИЗ.

Алалхусус бир бурда нонини минг бир бўлакка бўлиб барчага бирдек меҳр қўрсатган, оқибатли, қадр-қимматли халқнинг зурриёдлари сифатида вояга етмиш. Аммо, ҳар бир оиланда ҳам фарзандларга мана шундай умри боқий қадриятлар асосида «меҳр қўрсат, кексайганингда унинг ширин меваидан баҳраманд бўласан» деб тарбия берилган-ми? Агар шундай бўлса, ҳали отасининг маъракаси ўтмасдан уй-жой, мол-мулк талашиб бир-бирининг ёқасидан олаётганлар қардан пайдо бўлаяпти? Келинг, яхшии ўзим гувоҳи бўлган бир воқеани сизларга сўзлаб берай. Биров айтиб берса ишонмас эдим, чунки бир ака-синглининг ота-оналаридан қолган

Ҳа «ёмон» бўлди, орадан қадр-қиммат, меҳр-оқибат кўтарилди. Ака-синглилик ришталари узилди. Маҳалла-қўй, қариндош- уруғларнинг насихатлари, гап-сўзлари жавобсиз қолди. Ёз-ёз, уруш-тўпалон, идорама-идора қоғозбозлик авжига чиқди. Бу машмашалардан ота-онанинг руҳи чирқирамасин дейдиган мард топилмади. На ака ён босди, на сингил. Иш судда кўрилди, бир қориндан талашиб тушган жон жигарлар етти ёт бегоналардек бир-бирларининг устидан мағзава ағдарди. Суд ҳукмидан норози бўлиб қайта иш кўрилишини талаб қилиб яна ёзишди.

Судда мен ака ва сингилга шундай

РИШТАЛАР УЗИЛМАСИН

(Бўлган воқеа)

уйни талашиб-тортишгани, охир-оқибат иш судга етиб боргани ҳар қандай кишини ўйлатиб қўяди...

Воҳид, Салим ва Руқиялар ройтахтимизда жойлашган маҳаллалардан бирдаги энг обрўли оила — Луқмон ота ва Султон оналарнинг азиз фарзандлари, умид билан ўстирган суянч тоғлари эди. Ота-она икки ўғил ва бир қизни ҳеч насага зориктирмай ўстиришди. Олий маълумотли ҳуқуқшунослар этиб вояга етказишди. Ўғил-қоғил қилишди. Ораларида Салимгина касалландроқ бўлди. Воҳиднинг ошиги олчи эди. Омад ака ва синглини роса сийлади. Фан номзоди, топармон-тутармон ўғил-қизлар, машина, уй-жой ҳаммасига эга бўлишди. Луқмон ота бандаликни баҳо келтирар экан, ўзлари яшаб турган ҳашаматли уйни Салимнинг номига ўтказди. Туррида, ака ва синглининг бировдан кам жойлари йўқ. Тўқин-сочинликда ҳаёт кечирмоқдалар. Лекин, ҳаётнинг синовини қарангки, бахтсиз ҳодиса тўғрисида Салим ҳаётдан жуда эрта кетди. Дунёга тўймаган кўзларини юмар экан уйни онаизори номига ўтказиб кетишни маъқул топди.

Умр — оқар сувдек ўтаверар экан. Ҳеч ким бу дунёга устун бўлмаган. Султон она ҳам ҳайҳотдек ҳовлида бир ўзи яшаб, вақти келганда фарзандлари йўлига зор бўлиб, вақти келганда шундай бемер фарзандлар ўстирганидан ўқиб умр шаймининг охирига етди. Вақти-соати яқинлашиб қолганини сезган онахон қизи ва ўғлини ёнига қақриб, ўғлим, сенга мана шу уй, қизим сенга эса умрим давомида йўқан бойлигим, тилларим. Мендан кейин атиги икки-тагина жигарим, аҳил бўлинглар, бир калима Қуръон билан бизларни ҳам йўқлаб туринглар, дея васият қилди.

«Нега акамга шундай уй қолар экан. Йўқ, уйни сотиб пулни тенг бўлашиб олиш керак», — қизининг ҳаёлидан шу фикрлар ўтди-ю ҳаловати йўқолди. Олий маълумотли ҳуқуқшунос, ўзига тўқ, уй-жойи етарли сингил маъракалар ўтиб-ўтмай бош кўтарди. Ақининг эса уйни сотишга қўзи қиймади. Ахир ота-онаси ўтган жойлар, чирогини ёқиб ўтирса ёмонми?

савол бердим.

— Айтингчи, онангиз тириклигида нега шу ерга қўчиб келиб улар билан яшамадингиз? Қариган қоғларига озгиларига ёққан овқатни тутиб дуоларини олмадингиз?

— Ўғил бўлиб онангизга нега суянч бўлмадингиз. Қўни-қўшнилар қараб туришибди, деб ташлаб қўйдингиз. Ота-она розилигини олмоқ ҳар бир фарзанд учун ҳам фарз, ҳам қарз эмасми?

Жавоблар эса бир хил. Ишли одамиз, бола-чақа, оила ташвишлари билан вақтимиз бўлмаган. Онамиз жуда ғайратли эдилар, биздан ҳеч ёрдам сўрамаганлар. Пулга ҳам муҳтож бўлмаганлар. Дарвоқе, сиз биздан бунга нега сўраясиз, бунга ҳаққингиз борми ўзи.

Э-воҳ, мен уларга яна виждон, ор-номус ҳақида ҳам гапирмоқчи бўлиб турибман-а. Ахир халқимизда шундай аjoyиб нақл бор. «Ғани гапир уққанга...»

Суд ишни қайта қўриб чиқди, яна қанча асаблар таранглашди, диллар вайрон бўлиб унсиз йилгиди. Ҳамма чарчади, бу бемаъни ишлардан. Лекин ўғил ҳам, қиз ҳам чарчамади. Улар яна ва яна ёзишмоқда, оталари ва оналари кўрган, суҳбатда бўлган кишиларни топиб гувоҳлик беринг, деб чакришмоқда.

Аттанг, улар ҳам сизу бизнинг ичимизда ўсиб-ўлғайишган. Тарбия олишган. Лекин бунчалар инсонийликдан йироқ бўлган худбинлик уларга қачон ёпишди экан. Ахир фарзандлар отаси, онасини кўрган инсонларни қақриб, иззатини жойига қўйиб уларнинг сўзларини кўзларига тўтиб қилмайдими? Бугун молу давлат учун бир-бирини танимас қаражага етаётган жигарлар эртага қандай жавоб берадилар, Тарбиянинг қаерида адашди экан? Тўхтовсиз саволлар ёпирилиб келади. Эй инсон, қўзингни оч, эртага кеч бўлмасдан, дегинг келади.

Сиз нима дейсиз азиз газетчи! Сизнинг ҳам бу борада эшитганларингиз, кўрганларингиз бордир.

Шахризода ЮСУПОВА

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ 12 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА

Мунажжимларнинг тавсифига кўра, бугунги кун туйғуларни ривожлантириш, турли хил билимларни эгаллаш учун қулай келади.

Умуман олганда, куннинг ахборот-энергетик таркиби бирдек текис ва уйғун бўлиб, шундайлигига қарамай, уни танҳороқ ўтказиш маъқул ҳисобланади. Зеро, ҳар қандай даъватга беихтиёр эргашми ҳавфи бор.

Муқаддас китобларни мутлола қилиш, бирон нарсани таъминлаш, қўллаб-қувватлаш хайрли бўлиб, саёҳатларга чиқиш ва соч олдиришдан ўзингизни тийишингиз керак. Шу кунлари ҳатти-ҳаракатлар мантиқи тушунарли бўлган эҳтиёткорона совуқ муносабатлар сезилиб туриши мумкин. Шу асосда рўй берадиган муносабатлар узилиши кимнинг айби билан содир бўлса, ўша киши қалбини чуқур жароҳатлайди.

Куннинг рамзи бўлган Қувур танадан суюқликнинг чиқиб кетишини англатади. Ички аъзоларни, айнқиса йўғон ичакни тазаловчи муолажалар учун бугун айни қулай фурсат ҳисобланади. Бугун суюқликни камроқ истеъмол қилиш матлуб, зеро, ортиқча сув организм фаолиятида бузилишларга олиб келади.

Тўшларингиз ўз манфаатларингизни қай йўл билан муҳофаза эта олишингиз ҳақида хабар беради. Улар қутилмаганда юз берадиган ҳодисаларда шу муҳофаза усулини танлаш жараёнида ўнгидан келади.

ТИҲОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2008 йил 5 сентябрдаги 11-08-14/11653-сонли иш Аҳримига асосан, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, А.Темур шохқўчаси 60-уйда жойлашган «BOWLING-YULDUZ» МЧК Қўга нисбатан банкротлик таомили қўлланилиб, қузатув жорий қилинган.

Давволар эълон қилган кундан бошлаб бир ой муддат давомида юқорида қайд қилинган манзилда қабул қилинади.

«BOWLING-YULDUZ» МЧК Қўнинг биринчи кредиторлар йиғилиши 2008 йил 3 октябрь соат 10.00 да қорхона биносида бўлиб ўтади.

Йиғилишда ишончнома билан қатнашишингиз шарт.

Маълумот учун телефон: 444-11-80.



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИЛИГИ

Буюртма Г- 806

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3329 нусхада босилади.
Қўғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари буйича
турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига
муурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбос акциядорлик компанияси
босахонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6